

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ҚАХАРОВ ИСМАТИЛЛО ИЗЗАТОВИЧ

**ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИНИ ТУРЛИ ШАКЛЛАРИ БЎЛГАН
БЕМОРЛАРДА ЧАП ТОЖ ТОМИР ЎЗАГИНИНГ ЭНДОВАСКУЛЯР
РЕВАСКУЛЯРИЗАЦИЯСИНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ НАТИЖАЛАРИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Кахаров Исматилло Иззатович

Юрак ишемик касаллари турли шакллари бўлган беморларда чап тож томири ўзагининг эндоваскуляр реваскуляризациясининг узок муддатли натижалари 3

Кахаров Исматилло Иззатович

Отдаленные результаты эндоваскулярной реваскуляризации ствола левой коронарной артерии у больных различными формами ишемической болезни сердца..... 23

Kaharov Ismatillo Izzatovich

Long-term results of endovascular revascularization of the trunk of the left coronary artery in patients with various forms of coronary heart disease 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published work 50

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ҚАХАРОВ ИСМАТИЛЛО ИЗЗАТОВИЧ

**ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИНИ ТУРЛИ ШАКЛЛАРИ БЎЛГАН
БЕМОРЛАРДА ЧАП ТОЖ ТОМИР ЎЗАГИНИНГ ЭНДОВАСКУЛЯР
РЕВАСКУЛЯРИЗАЦИЯСИНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ НАТИЖАЛАРИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Tib 2687 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cardiocenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Фозилов Хуршид Гайратович тиббиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	Нуриллаева Наргиза Мухтархановна тиббиёт фанлари доктори, профессор Аляви Баҳромхон Анисхонович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси 4-уй. Тел./Факс (99871)237-31-57, e-mail: info@cardiocenter.uz)

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси, 4-уй. Тел./Факс (99871)237-31-57.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ тарқатилди.

2024 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.

Р.Д.Курбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, академик

Г.У.Муллабаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлар доктори

А.Б.Шек

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Юрак ишемик касаллиги (ЮИК) дунёдаги юрак-қон томир тизими касалликларининг энг кенг тарқалган касалликларидан биридир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра «... барча ўлимларнинг 31% и юрак-қон томир тизими касалликларидан келиб чиқади...»¹. ЮИК ҳаётнинг фаол даврида, 40-60 ёшдаги беморларда юзага келади ва ҳаёт сифатининг пасайиши ҳамда юқори даволаниш харажатлари билан кечади. Сўнгги йилларда ЮИК кечиши ва прогнозида нейрогуморал ва генетик омилларнинг, эндотелиал дисфункциянинг, юракни ремоделланиш жараёнларининг роли ўрганилди ва бир қатор фармакологик дори воситаларининг самарадорлиги асосланди. Бу борада эришилган ютуқларга қарамай, даволаш усуллари танлаш ва уларнинг натижалари нуктаи назаридан самарадорлигини таъминлашга ёндашувда бир қатор ҳал этилмаган муаммолар сақланиб қолмоқда, бу ўз навбатида юқори технологик миокард реваскуляризациясини ўтказишни талаб этмоқда.

Жаҳонда юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморларда эрта ташхис қўйиш, даволаш усуллари ва самарадорлигини оширишга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. ЮИК эрта ташхислаш бўйича ёндашувларни ишлаб чиқишда коронар қон томирлар зарарланишини ангиографик хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, клиник ва гемодинамик кўрсаткичлар ҳамда касалликнинг прогнози ўртасидаги боғлиқликни ҳам ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. ЮИКда коронар артериялар зарарланишини эрта ташхислаш мезонларини такомиллаштириш, касалликнинг ривожланиши ва кечишини башорат қилиш, уларнинг узок муддатли натижаларини ҳисобга олган ҳолда, танланган йўналишнинг долзарблигини ва замонавий ёндашувларни оптималлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш заруратини белгилайди, юқори технологик усуллар ёрдамида даволаш касалликнинг прогнози ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий хизмат тизимни жаҳон талабларига мослаштириш, жумладан юрак-қон томир касалликларини эрта ташхислаш орқали унинг асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалари белгиланган.

¹ World Health Report. Geneva: World Health Organization. Available from URL: <http://www.who.int/whr/2014/en/statistics.htm>; 2014

² 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ–5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар», 2022 йил 26 январдаги ПҚ–103-сон «Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида VI «Тиббиёт ва фармакология» йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Охириги йиллардаги қатор олимлар тадқиқотлари ЮИК патогенетик механизмларини ўрганиш ва уни даволашни оптималлаштиришга бағишланган (Stone G.W., 2019; Patel V., 2021; Карпов Ю.А., 2019). ЮИКни юзага келишида коронар қон айланишининг бузилиши, тож томирлардаги атеросклеротик жараённинг тарқалиш даражаси ва томир диаметрининг торайиши салбий прогнознинг белгилари сифатида муҳим роль ўйнайди ва касалликнинг ривожланиш хавфини оширади (Knuuti J., 2020; Park S., 2023; Бокерия Л.А., 2020).

ЮИКни даволашда касалликнинг мураккаб ва кўп компонентли генезини ҳисобга олган ҳолда, миокарднинг реваскуляризация жараёнлари механизмлари ўрганилган ва даволашда реваскуляризация усуллари танлаш тамойиллари ишлаб чиқилган (Sabatine M.S., 2021; Алексян Б.Г., 2022). ЮИКни даволашда миокард реваскуляризациясида турли кўринишдаги стентларни қўллаш самарадорлиги қиёсий баҳоланган ҳамда миокард реваскуляризациясининг қисқа муддатли ва узоқ муддатли натижаларини ҳисобга олган ҳолда юрак-қон томир асоратларини эрта прогноз қилишнинг аҳамияти кўрсатиб ўтилган (Huang X., 2019; Gomes W.J., 2022).

Ўзбекистонда ЮИК турли шаклларида ангиографик текшириш усули натижаларининг ўзига хослиги, миокард реваскуляризацияси натижалари ҳамда уларнинг эрта ва узоқ натижалари бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилди, жумладан, қуйидагилар: кўп томирли зарарланишларда эндовакуляр усулларни қўллаш натижалари, миокард инфарктида миокард реваскуляризацияси натижалари, ЮИКда турли стентларнинг самарадорлиги (Зуфаров М.М., 2015; Алимов Д.А., 2017; Шарипов И.М., 2019). ЮИК билан оғриган беморларда чап коронар артерия ўзани зарарланган ҳолатларда эндовакуляр муолажалар самарадорлиги, узоқ муддатли кузатув натижаларини баҳолаш, касалликни кечишига таъсири, прогнози ва ҳаёт сифатига таъсири ўрганилмаган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, ЮИК нинг турли шакллари бўлган беморларда эндоваскуляр реваскуляризациянинг узок муддатли натижаларини ўрганиш долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ЮИКнинг турли шакллари бор беморларда чап коронар артерия ўзаги шикастланганда коронар артерияларни стентлашнинг самарадорлигини узок муддатли натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ЮИКнинг турли шакллари бор беморларда чап тож томир ўзаги ва коронар оқими шикастланишининг ангиографик хусусиятларини баҳолаш;

ЮИКнинг турли шакллари бор беморларда бифуркацион зарарланишларнинг ангиографик хусусиятларини баҳолаш;

ЮИКнинг турли шакллари билан оғриган беморларда чап тож томир ўзаги шикастланишларида стентлаш амалиётининг госпитал натижаларини таҳлил қилиш;

чап тож томир ўзаги шикастланган ЮИКнинг турли шакллари бор беморларда миокард эндоваскуляр реваскуляризациясининг узок муддатли натижаларини баҳолаш;

чап тож томир ўзаги шикастланган ЮИКнинг турли шаклларида беморларнинг ёши, жинси ва қандли диабет билан хасталанганини ҳисобга олган ҳолда узок муддатли натижаларни таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти РИКИАТМ да шифохона шароитида даволанган ва кузатувда бўлган ЮИКнинг турли шакллари билан оғриган 149 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида сўровномалар, клиник, визуал (ангиография, эхокардиография) ва лаборатор тадқиқотлар натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник, асбобий, визуал, лаборатор ҳамда статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ЮИК нинг турли шакллари бор беморларда чап коронар артерия устунли шикастланишининг ўзига хос хусусиятлари асосланган;

стентлаш йўли билан миокард реваскуляризациясини амалга оширишнинг касалликнинг клиник кечиши ва прогноз кўрсаткичларига самарадорлиги асосланган;

чап коронар артерия ўзаги шикастланган ЮИКнинг турли шакллари бор беморларда миокард реваскуляризациясининг узок муддатли натижаларининг аҳамиятга молик эканлиги кўрсатилган;

ЮИК турли шакллари бор беморларда стентлаш амалиётидан кейин салбий кечиши мезонлари аниқланиб беморларга табақалаштирилган реваскуляризация турини аниқлаб берувчи алгоритм ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ЮИК турли шакллари билан оғриган беморларда чап тож томир ўзагининг ангиографик хусусиятлари, беморларнинг клиник ҳолати кўрсаткичларини аниқлаш асосида ЮИКнинг госпитал ва узоқ муддатли натижаларини баҳолаш мезонлари аниқланган;

ЮИК билан оғриган беморларда чап тож томир ўзаги зарарланганда миокард реваскуляризациясининг самарадорлиги беморларни ёши, жинси ва қандли диабет мавжудлигини ҳисобга олиб асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилганларнинг сони этарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ЮИК нинг турли хил шаклларида чап тож томир ўзаги шикастланишининг ангиографик хусусиятларини аниқлаш ва миокард реваскуляризацияси самарадорлигини ошириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ЮИКда клиник, функционал ва ангиографик маълумотларни ҳисобга олган ҳолда салбий мезонларни аниқлаш реваскуляризациянинг узоқ муддатли натижаларини башоратлаш ва реваскуляризация турини танлашни такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

ЮИК турли хил шаклларида чап тож томир ўзаги шикастланишида миокард реваскуляризациянинг узоқ муддатли натижаларини баҳолаш беморларни даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: ЮИК нинг турли шакллари бор беморларда чап коронар артерия ўзаги шикастланишининг ўзига хос хусусиятлари аниқланди. ЮИК нинг турли шакллари яъни ЮИК. Зўриқиш стенокардияси II- IV функционал синфлари, ЮИК. Зўрайиб борувчи стенокардия, ЮИК. Ўткир миокард инфаркти, Инфарктдан кейинги кардиосклероз, Сурункали юрак етишмовчилиги, Қандли диабет 2 тур бор беморларда чап коронар артерия ўзаги шикастланишининг коронароангиографик ўзгаришларида кейинги даволаш тактикаси бўйича таклифлар Республика Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг томонидан 2022 йил 10 ноябрдаги 8н-м/1193-сон маълумотномаси билан тасдиқланган «ЮИК билан оғриган беморларда чап коронар артерия устунининг реваскуляризацияси» услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Навоий вилояти Навоий шаҳар кўп тармоқли тиббиёт марказига 09.09.2022-йилдаги 21-сонли буйруқ ҳамда РИКИАТМнинг Самарканд

филиалига 16.09.2022-йилдаги 18-буйруқ жорий қилиш далолатномасига асосан амалиётга жорий этилган. **Ижтимоий самарадорлиги:** ЮИК нинг турли шакллари бор беморларда чап коронар артерия ўзаги шикастланишининг ўзига хос хусусиятлари аниқлаш орқали орқали қисқа муддатда инфаркт касаллигининг олди олинади ва беморнинг узок умр кўриш даражаси ошишига эришилади. Бу эса жамиятдаги ЮИКка чалинган беморларнинг турмуш тарзи ва ҳаёт сифатини яхшиланишига олиб келган. Бу ҳолат масаланинг ижтимоий аҳамиятини таъминлайди. **Иқтисодий самарадорлиги** куйидагилардан иборат: беморларнинг ҳаётига хавф солувчи, эрта ногиронлик ва ўлимга олиб келувчи юрак қон-томир касалликларида асоратларнинг, кўшимча сурункали юрак етишмовчилигига қарши дориларга эҳтиёжнинг камайишига олиб келиб, бу соҳада меҳнатга лаёқатсизлик, ногиронлик ва даволашга қаратилган чоратadbирларга бўлган талабни камайишига олиб келиши ҳисобига иқтисод қилишга эришилган. Бу эса ҳар ойда сурункали юрак етишмовчилигига қарши дори воситаларига сарфланадиган ўрта ҳисобда 322 000 сўмни тежаш имконини берди.

иккинчи илмий янгилик: илк бор стентлаш йўли билан миокард реваскуляризациясини амалга оширишнинг касалликнинг клиник кечиши ва прогноз кўрсаткичларига таъсир самарадорлиги асослаб чиқилган таклифлар Республика Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг томонидан 2022 йил 10 ноябрдаги 8н-м/1193-сон маълумотномаси билан тасдиқланган «ЮИК билан оғриган беморларда чап коронар артерия устунининг реваскуляризацияси» услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Навоий вилояти Навоий шаҳар кўп тармоқли тиббиёт марказига 09.09.2022-йилдаги 21-сонли буйруқ ҳамда РИКИАТМнинг Самарканд филиалига 16.09.2022-йилдаги 18-буйруқ жорий қилиш далолатномасига асосан амалиётга жорий этилган. **Ижтимоий самарадорлиги:** ЮИК турли шакллари бўлган беморларда тож томирлар зарарланганда тери орқали коронар аралашувдан кейинги даволаш муолажалари билан биргаликда олиб борилган госпитал натижалар орқали тож томирларни стентлаш, стенокардия функционал синфлари камайишига ва ЮИК даволаниш самарадорлигини ортишига ҳамда асоратларнинг олди олинishiга олиб келган. **Иқтисодий самарадорлиги:** ЮИКнинг турли шакллари билан касалланган чап тож томир ўзаги зарарланган беморларда стентлаш амалиёти ўтказилгандан кейин стенокардия функционал синфларини камайиши ва кўпчилик беморларда стенокардия хуружларини йўқолиши ҳисобига, беморларда кўшимча бетта блокаторлар, ААФ ингибиторлари ва гиполипидемик дори дармонларга ҳар ойда сарфланадиган 310 000 сўмни тежаш имконини берди.

Учинчи илмий янгилик: чап коронар артерия ўзаги шикастланган ЮИКнинг турли шакллари бор беморларда миокард реваскуляризациясининг узок муддатли натижаларининг аҳамиятга молик эканлиги аниқланган ва ушбу таклифлар Республика Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг томонидан 2022 йил 10 ноябрдаги 8н-м/1193-сон маълумотномаси билан тасдиқланган «ЮИК билан оғриган беморларда чап коронар артерия устунининг реваскуляризацияси» услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Навоий вилояти

Навоий шаҳар кўп тармоқли тиббиёт марказига 09.09.2022-йилдаги 21-сонли буйруқ ҳамда РИКИАТМнинг Самарканд филиалига 16.09.2022-йилдаги 18-буйруқ жорий қилиш далолатномасига асосан амалиётга жорий этилган. **Ижтимоий самарадорлиги:** чап коронар артерия ўзаги шикастланган ЮИКнинг турли шакллари бор беморларда миокард реваскуляризациясининг узок муддатли натижаларини таҳлил қилиш, келажақда беморда миокард инфаркти, бош миёда ўткир қон айланишининг бузилиши каби салбий оқибатларни олдини олишда кейинги даволаш тактикасини танлашни белгилаб берди. Бу эса беморларнинг ҳаётчанлиги, узок умр кўриш даражаси ва энг асосийси ўлим кўрсаткичларининг камайишига сабаб бўлган. **Иқтисодий самарадорлиги:** чап коронар артерия ўзаги шикастланган ЮИКнинг турли шакллари бор беморларда миокард реваскуляризациясининг узок муддатли натижаларининг аҳамиятлилиги натижасида беморларнинг клиник белгиларнинг яхшиланишига сабаб бўлиб, беморларда антиангинал ҳамда антиагрегант дори воситаларига ҳар ойда сарфланадиган 140 000 сўмни тежаш имконини берди.

Тўртинчи илмий янгилик: ЮИК турли шакллари бор беморларда стентлаш амалиётидан кейин салбий кечиши мезонлари аниқланиб беморларга табақалаштирилган реваскуляризация турини аниқлаб берувчи алгоритм ишлаб чиқилган ва ушбу таклифлар Республика Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг томонидан 2022 йил 10 ноябрдаги 8н-м/1193-сон маълумотномаси билан тасдиқланган «ЮИК билан оғриган беморларда чап коронар артерия устунининг реваскуляризацияси» услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Навоий вилояти Навоий шаҳар кўп тармоқли тиббиёт марказига 09.09.2022-йилдаги 21-сонли буйруқ ҳамда РИКИАТМнинг Самарканд филиалига 16.09.2022-йилдаги 18-буйруқ жорий қилиш далолатномасига асосан амалиётга жорий этилган. **Ижтимоий самарадорлиги** ЮИК турли шакллари бор беморларда чап тож томир ўзагини стентлаш амалиёти, стенокардия кечишига ижобий таъсир қилган, беморларнинг ҳаёт сифати ҳамда жисмоний юкламага толерантликни ортишига, оғриқ хуружлари давомийлигининг камайишига сабаб бўлган. **Иқтисодий самарадорлиги:** беморларда чап тож томир ўзаги зарарланганда прогнозга таъсир қилувчи салбий предикторларни инобатга олиб уларга алгоритмдан фойдаланиб кейинги даволаш дастурининг тузиб берилиши, уларнинг тери орқали коронар аралашув ёки аорта коронар шунтлаш амалиётини танлашга хизмат қилади бу эса даволаш самарадорлигини ортиши, кўшимча дорилар истеъмолига талабнинг камайишига, стационарда қолиш кунларининг камайишига ва кўшимча даволанишга бўлган эҳтиёжининг камайишига олиб келади. Бу эса ҳар бир бемор учун тўғри даволаш амалиётини танлашда ўртача 12 000 000 сўмни тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация

комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 таси Республика ва 1 таси халқаро илмий журналларда чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқот долзарблиги ва талабга мослиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети билан тавсифланган, республика илм-фан ва технологиянинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Чап коронар артерия ўзагининг шикастланиш хусусиятлари, ЮИК нинг турли шаклларида эндоваскуляр реваскуляризациянинг бевосита ва узок муддатли натижалари**» деб номланган биринчи бобида атеросклерозда чап коронар артерия (ЧКА) ўзагининг шикастланишининг хусусиятлари, реваскуляризация усуллари, миокард реваскуляризациясидан сўнг бевосита ва узок муддатли кўрсаткичлар таҳлил қилинади.

Диссертациянинг «**ЮИКнинг турли шаклларида тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга киритилган беморларнинг умумий тавсифи, тадқиқот усуллари ва натижаларни баҳолашда фойдаланиладиган статистик усуллар берилган. ЮИК бор бўлган $66,1 \pm 8,7$ ёшдаги 149 нафар бемор текширилди. ЮИК беморларида касалликнинг клиник шаклларини таҳлили маълумотлари бўйича 70 (46,9%) беморларда II-IV ФС стабил стенокардия, 48 (32,2%) беморда ностабил зўрайиб боровчи стенокардия, ҳамда 31 (20,8%) беморда ST сегментининг кўтарилиши билан ва кўтарилишисиз ўткир миокард инфаркти (ЎМИ) шакллари аниқланди. 113 та (75,8%) беморларни эркаклар, 36 та (24,2%) беморларни аёллар ташкил қилди. Тадқиқотда беморнинг касаллик тарихи, касаллик ва ҳаётнинг анамнестик хусусиятлари, инструментал тадқиқотлар (электрокардиография, эхокардиография, коронарография) ва мураккаб лаборатор таҳлиллар (умумий қон таҳлили, умумий сийдик таҳлили, қон биокимёвий таҳлили: билирубин, АЛТ, АСТ, глюкоза миқдори, мочевина, креатинин, коагулограмма ва липид спектри). Тадқиқотдан чиқариб ташлаш мезонлари қуйидагилардан иборат эди: анамнезда тери орқали аралашув ўтказилиши билан стентлаш ёки аорта коронар шунтлаш (АКШ) ўтказган беморлар; юрак-қон томир тизимининг оғир патологияси бўлган беморлар (аорта аневризмаси; жарроҳлик тузатишни талаб қилувчи қопқоқлар

патологияси; чап қоринча (ЧҚ) нинг оғир систолик дисфункцияси (ОФ <35%); оғир буйраклар етишмовчилиги); антикоагулянтлар / дезагрегантларини қабул қилишда толерантлиги мавжуд бўлмаган беморлар. Беморларнинг рентген морфологик хусусиятларини баҳолаш учун ангиографик параметрларни ҳисобга олган ҳолда коронар томирларнинг селектив коронароангиографияси (САГ) ўтказилди. Барча беморлар тадқиқот дизайни ва баённомасига мувофиқ текширилди. Коронарография (КАГ) полипозицияда, ЧКА учун 8 стандарт проекцияда ва ЎКА учун 4 проекцияда амалга оширилди. Коронар артерияларнинг (КА) шикастланишлари ва анатомик хусусиятларига қараб, КАГ бошқа модифицирланган проекциялар билан тўлдирилиши мумкин. КАГ маълумотлари миокарднинг қон билан таъминланиши турини ва сегментлар бўйича КА шикастланишларининг локализациясини аниқлаш орқали таҳлил қилинди. Миокарднинг қон билан таъминлаш тури чап қоринча пастки латерал деворига қон таъминоти манбаи билан аниқланди. Диаметри ва майдони бўйича торайиш фоизи, торайиш соҳасида артериянинг тикланган референт диаметри (мм) ва шикастланган худуднинг узунлиги (мм да) аниқланди.

Диаметри 50% гача (худуди 70% дан кам) стенозлар чегаравий, 50% дан ортиғи эса яққол (худуди 70% дан ортиқ) деб баҳоланди. Стенозлашган КА даги қон оқимининг таҳлили "Миокард инфарктида тромболитиз" (Thrombolysis in Myocardial Infarction – ТИМІ) рандомирланган тадқиқотининг тадқиқот гуруҳи томонидан таклиф қилинган таснифга мувофиқ амалга оширилди.

Эндоваскуляр аралашувлар натижаларини баҳолаш. Барча тадқиқотга киргизилган беморларга стентлаш амалиёти ўтказилган. 149 нафар беморга 169 та стент қўйилган ва ўрта ҳисобда 1,2 та стент ишлатилган. Шунда 80 (47,3%) беморга ZES (зотаролимул билан қопланган) стент, 39 (23,1%) беморга BES (биолимул билан қопланган), 24 (14,2%) беморга EES (эверолимул билан қопланган) ва 26 (15,4%) беморга SES (сиролимул билан қопланган) стентлар ўрнатилган эди. Касалхонада ва ўрта узоқликдаги босқичларда эндоваскуляр аралашувнинг мутаносиблиги ангиографик ва клиник мезонлар ёрдамида аниқланди. Тадқиқотда шунингдек, коронар томирларининг шикастланишининг оғирлигини аниқлайдиган кўрсаткич бўлган SYNTAX-Score маълумотларини қайта ишлаш усули қўлланилди. Чап коронар томирининг ўзани ТОКА тадқиқотининг узоқ муддатли натижаларини баҳолаш учун жамланма кўрсаткич МАСЕ (major adverse cardiac and cerebral events - жиддий салбий юрак ҳодисалари), такрорий касалхонага ётқизишлар, кўрсаткичларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг «**ЮИК нинг турли шакллари бор бўлган беморларда ЧКА ўзани шикастланишининг ангиографик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида ЮИК нинг турли шакллари бор бўлган беморларда ЧКА ўзани шикастланишининг ангиографик хусусиятлари таҳлил қилинади.

Касалликнинг клиник шакллари таҳлиliga кўра, беморлар 3 гуруҳга ажратилди: 1 гуруҳ - 70 (46,9%) та II-IV ФС стабил стенокардияли бемор, 2

гурух - 48 (32,2%) ностабил зўрайиб борувчи стенокардия билан беморлар ва 3 гуруҳ - 31 (20,9%) нафар ўткир миокард инфаркти (ЎМИ) билан хасталанган беморлар (1-жадвал).

1-жадвал

Беморларнинг клиник тавсифи

ЮИК беморлари	149 (100%)
Эркаклар	113 (75,8%)
Аёллар	36 (24,2%)
Касаллик давомийлиги	5,6±2,4 лет
ЮИК. Зўриқиш стенокардияси II- IV функционал синфлари)	70 (46,9%)
II ФС	16 (22,9%)
III ФС	36 (51,4%)
IV ФС	18 (25,7%)
ЮИК. Ностабил зўрайиб борувчи стенокардия	48 (32,2%)
ЮИК. Ўткир миокард инфаркти	31 (20,8%)
ST сегмент кўтарилиши билан	17 (54,8%)
ST сегмент кўтарилишисиз	14 (45,2%)
ИККС	59 (39,6%)
СЮЕ	64 (43%)
Юрак ритмини бузилиши	71(47,6%)
Қандли диабет 2 тур	43 (28,9%)
СБК	12(8,1%)

Анамнезда 145 та (97,3%) беморда АГ, 59 (39,6%) нафар беморларда ўтказилган МИ, 43 (28,9%) нафар беморларда қандли диабет, 64 (43%) тасида сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) бор эканлиги аниқланди.

ЮИК шакллари бўйича беморларнинг клиник таснифи 2 жадвалда келтирилган.

2 -жадвал

ЮИК шаклига боғлиқ ҳолда беморларнинг клиник тавсифи

Белгилари	1-гурух беморлар (n=70)	2-гурух, беморлар (n=48)	3 гуруҳ беморлар (n=31)
Ёши, йил	66,3±8,3	65,2±9,1	66,8±9,3
Эркаклар	49(32,8%)	39(26,2%)	25(16,8%)
Аёллар	21(14,1%)	9(6%)	6 (4%)
Бўйи, см	169,76±7,49	171,00±7,01	0,221
ИККС	39 (26,2%)*	15 (10%)	5 (3,4%)
СЮЕ	40 (26,8%)*	19(12,7%)	5 (3,4%)
ҚД 2 тур	21(14,1%)	14(9,4%)	8 (5,4%)
SYNTAX SCORE	14,38±5,3*	21,31±6,9	24,71±7,8

p<0, 05 статистик фарқга эга

Текширилган беморлар коронарографияси (КАГ) таҳлил қилинганда анатомик мезонлар бўйича ЧТТ ўзаги стенозининг 3 та варианты ажратилди: 1) ЧТТ ўзаги оғзи шикастланиши (оғиздан 3 мм кам бўлган масофадан бошланган), 2) ўрта қисми стенози (дискрет стеноз, оғиздан 3 мм узоқда ва бифуркациядан 3 мм узоқда жойлашган); 3) терминал қисми стенози (бифуркациядан қисми ва ундан 3 мм атрофида). ЮИК бўлган беморларда КАГ маълумотларини таҳлил қилганда, ЧТТ ўзагининг стеноз даражаси $71,3 \pm 5,2\%$ ни ташкил этди. ЧТТ ўзаги оғзининг зарарланиши 35 (23,5%) та беморда, ўзаги ўрта қисми зарарланиши 48 (32,2%), бифуркацион торайиш – 66 (44,3%) нафар беморда кузатилди (3- жадв). ЧТТ ўзаги оғзининг зарарланиши кўпроқ 1 гуруҳ беморларида 19 (27,1%), ўрта қисми шикастланиши ишончли даражада кўпроқ 2 гуруҳ беморларида 21 (43,7%) кузатилди. Чап тож томирнинг бифуркацион зарарланиши 1 гуруҳ беморларда 34 (48,6%) ҳолатда кўпроқ учраган ҳамда бу ҳолат кўпинча ушбу артериянинг бошқа тармоқларининг ҳам зарарланиши билан бирга келган.

3-жадвал

ЧТТ ўзаги шикастланишининг коронарангиографик хусусиятлари

ЧТТ ўзаги	Умумий (n=149)	1-гуруҳ беморлар (n=70)	2-гуруҳ, беморлар (n=48)	3 гуруҳ беморлар (n=31)
ЧТТ ўзаги оғзи шикастланиши	35 (23,5%)	19 (27,1%)	8 (16,6%)	8 (25,8%)
ЧТТ ўзаги ўрта қисми шикастланиши	48 (32,2%)	17 (24,2%)	21* (43,7%)	7 (16,1%)
ЧТТ ўзаги бифуркацион шикастланиши	66 (44,3%)	34 (48,6%)	19 (39,6%)	13 (41,9%)

$p < 0,05$ статистик фаркга эга

А.Медина таснифи бўйича тож томирлар бифуркацион зарарланиши 7 анатомик турдан иборат бўлиб, Medina 1.1.1. бўлса стеноз гемодинамик жихатдан аҳамиятли ҳисобланади ва бизнинг беморларимиз қуйидаги ҳолат билан тавсифланди: асосий шохнинг проксимал (РМВ) ва дистал (DMB) сегменти ҳамда ён шох зарарланиши 32 (48,4%) беморда, асосий шохнинг проксимал (РМВ) ва дистал (DMB) сегменти зарарланиши 10 (15,1%) беморда, дистал сегмент ва ён шох зарарланиши 4 (6%) беморда ҳамда дистал сегмент зарарланиши 4 (6,0%) беморда кузатилди (4-жадв.).

4 - жадвал

Medina таснифи бўйича тож томирлар бифуркацион зарарланиши

Касалликлар	1.1.1.	1.1.0.	1.0.1.	0.1.1.	1.0.0.	0.1.0.	0.0.1.
Умумий 66 бемор	32 (48,4%)	10 (15,1%)	7 (10,6%)	4 (6%)	7 (10,6%)	4 (6%)	2 (3%)

1 гуруҳ – 34 (51,5%) (n=70)	13 (38,2%)	6 (17,6%)	3 (8,8%)	2 (5,8%)	5 (14,7%)	3 (8,8%)	2 (5,8%)
2 гуруҳ – 19 (39,5%) (n=48)	12 (63,1%)	2 (10,5%)	4 (21%)	–	1 (5,2%)	–	–
3 гуруҳ – 13 (41,9%) (n=31)	7 (53,8%)	2 (6,4%)	–	2 (6,4%)	1 (3,2%)	1 (3,2%)	–

Диссертациянинг «ЮИКнинг турли шакллари бўлган беморларда чап тож томир ўзаги шикастланишларида стентлаш амалиётининг госпитал натижалари» деб номланган учинчи бобида ЮИК нинг турли шакллари бор бўлган беморларда касалликнинг кечиш хусусиятлари ва функционал кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Стентлаш амалиёти шуни кўрсатдики 69 % беморга битта стент, 31,8% беморга 2 тадан кўп стент ўрнатилди. Бир беморга ўрнатилган стентлар ўртача 1,2 ни ташкил этди. Стентнинг ўртача диаметри 3,2 мм, узунлиги – 20 ммни ташкил этди. Беморларда 146 (97,9%) ҳолларда тезкор ижобий ангиографик муваффақият қайд этилди (5-жадв.).

5 жадвал

ЮИК нинг турли шакллари бўлган беморларда чап тож томир ўзаги шикастланишларида ТОКАдан кейинги госпитал натижалар (n=149)

Кўрсаткичлар	ТОКА гуруҳи n=149(%)
Ангиографик муваффақият	146 (97,9%)
Клиник самарадорлик, %	144 (96,6%)
Ўлим, n (%)	–
Миокард инфаркти, n (%):	3 (1,3%)
Q-тишли	1 (0,6%)
Q-тишсиз	2 (1,28%)
БМЎҚАБ, n (%)	–
Инфекцион асоратлар, n (%)	–
Буйрак етишмовчилиги, n (%)	–
Такрорий реваскуляризация, n (%):	–
Шошилич ТОКА	0
Асосий кардиал асоратлар (АКА), n(%)	3 (5,4)

3 (2,01%) ҳолатда ТОКА нинг ўзига хос асоратлари; юрак аритмиялари - 2 (1,34%) ҳолатда; кириш жойи ва гемостаз билан боғлиқ асоратлар - 2 (1,34%) ҳолатда ва бошқа 1 (0,67%) ҳолатда - бошқа аъзолар ва тизимларнинг шикастланиши билан боғлиқ асоратлар кузатилди.

Хар хил кўринишдаги асоратлар, масалан диссекция кўринишидаги, коронар артериянинг перфорацияси ва бошқалар хилдаги асоратлар кузатилмади. 1 та беморда «no reflow» феномени кузатилди.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ЮИКнинг турли шакллари бўлган беморларда чап тож томир ўзагини стентлаш орқали реваскуляризация 97,9% тезкор ижобий ангиографик ва 96,6% клиник самарадорлик кузатилди.

Беморларда клиник самарадорлик натижалари тахлилида ЮИК. Зўриқиш стенокардияси бор беморларнинг ФС динамикаси баҳоланди. Бу гуруҳдан 3 нафар беморда ангиноз оғриқлар стентлаш амалиётидан кейин ҳам сақланиб қолди (6-жадвал).

6- жадвал

ЮИК. Зўриқиш стенокардияли беморларда чап тож томир ўзаги шикастланишларида тож томир стентлаш амалиётидан кейин касаллик ФСнинг динамикаси

ЮИК. стенокардияси (n=70)	Зўриқиш	Стентлаш амалиётигача (n=70)	Стентлаш амалиётидан сўнг(n=70)
Стенокардия хуружлари йўқ		–	35 (50%)
Зўриқиш стенокардияси I ФС		–	26 (37,1%)
Зўриқиш стенокардияси II ФС		16 (22,9%)	9 (12,9%)
Зўриқиш стенокардияси III ФС		36 (51,4%)	–
Зўриқиш стенокардияси IV ФС		18 (25,7%)	–

2 гуруҳ беморларини 48 та ЮИК. Зўрайиб борувчи стенокардия ташхиси билан беморлар ташкил этган бўлиб, уларнинг барчасига чап тож томир ўзагида тож томир стентлаш амалиёти ўтказилди. Бу гуруҳ беморларининг 3 тасида госпитал асоратлар кузатилди: 2 (1,34%) ҳолатда артерияга кириш жойи ва гемостаз билан боғлиқ асорат, яъни артерияга кириш жойидан қон кетиш кузатилди ҳамда 1 (0,67%) ҳолатда - бошқа аъзолар ва тизимларнинг шикастланиши билан боғлиқ асорат - антиагреганет ва антикоагулянт даво фонидаги ички қон кетиш кузатилди.

31 беморда миокард реваскуляризацияси ЮИК. ЎМИ ташхиси билан госпитализация қилинган беморларда ўтказилди, улардан 11 тасида стационар шароитда тромболитик терапия ўтказилди.

Шундай қилиб, ЮИК нинг турли шакллари бўлган беморларда чап тож томир ўзаги шикастланишларида стентлаш амалиётининг госпитал натижалари тахлили, 97,9% ҳолларда тезкор ижобий ангиографик муваффақият ва 96,6% ҳолатда ижобий клиник самарадорликни қайд этди. ТОКА нинг госпитал асоратлари тахлил қилинганда умумий 8 (5,4%)да асоратлар кузатилди ва гуруҳлар ичида тахлил қилганимизда 1 гуруҳ беморларда асоратлар кузатилмади. 2 гуруҳда стентнинг ўткир ости тромбози 1 (2,1%) ҳолатда, «no-reflow» феномени 1 (2,1%), ритм бузилиши –

брадикардия 1 (3,2%), артерияга кириш жойи ва гемостаз билан боғлиқ асоратлар 1 (3,2%), холатда кузатилди. 3 гуруҳ беморларида ТОКА нинг госпитал асоратларидан «no-reflow» феномени 1 (3,2%), ритм бузилиши – қоринчалар фибрилляцияси 1 (3,2%), артерияга кириш жойи ва гемостаз билан боғлиқ асоратлар - 1 (3,2%) холатда ва бошқа 1 (3,2%) холатда - бошқа аъзолар ва тизимларнинг шикастланиши билан боғлиқ асоратлар кузатилди.

Диссертациянинг «**ЮИК бор бўлган беморларда чап тож томири ўзанининг эндоваскуляр реваскуляризациясининг узоқ муддатли натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида ЮИК нинг турли шакллари бор бўлган беморларда миокард реваскуляризациясидан кейинги узоқ муддатли натижалар таҳлили келтирилган.

Узоқ муддатли кузатув давридаги (1 йилдан 3 йилгача, ўртача $36 \pm 5,6$ ой) прогнозни баҳолашда бирламчи ва иккиламчи охирги нукталар баҳоланди.

Бирламчи охирги нукталарни баҳолашда МАСЕ (major adverse cardiac and cerebrovascular events) мезонлари ҳисобга олинди (миокард инфаркти, бош мияда ўткир қон айланиш бузилиши, ўлим). Таҳлил шуни кўрсатдики, 11 (7,3%) нафар беморда миокард инфаркти ривожланди, улардан 3 (4,2%) ҳолат 1 гуруҳ беморларида, 6 (12,5%) ва 2 (6,4%) та ҳолатда 2 ва 3 гуруҳ беморларида кузатилди. Такрорий нофатал миокард инфаркти 7 (4,7%) беморда, такрорий фатал миокард инфаркти 4 (2%) беморда ривожланди (7 -жадвал).

7 -жадвал

ЮИКнинг турли шакллари бор беморларда чап тож томир ўзагининг эндоваскуляр ресвакуляризациясидан кейин МАСЕ бўйича бирламчи охирги нукталарнинг узоқ муддатли натижалари

Кўрсаткичлар	Умумий гуруҳ (n=149)	1 гуруҳ (n=70)	2 гуруҳ (n=48)	3 гуруҳ (n=31)
	36 ой	36 ой	36 ой	36 ой
Миокард инфаркти	11 (7,3%)	3 (4,2%)	6 (12,5%)*	2 (6,4%)
Бош мия ўткир қон бузилиши	—	—	—	—
Ўлим	7 (4,6%)	2 (2,8%)	2 (4,2%)	3 (9,6%)
МАСЕ	18 (12,0%)	7 (10%)	6 (12,5%)	5 (16,2%)

Ўлим кўрсаткичи 7 (4,6%)ни ташкил этди, 3 (1,3%) ҳолатда тўсатдан ўлим ҳисобига содир бўлди. Ўлим кўрсаткичи таҳлили шуни кўрсатдики, 1 гуруҳ беморларида 2 та ўлим ҳолатининг 1 таси тўсатдан ўлим ҳисобига бўлди. Бу беморлар таҳлил қилинганда ўлим ҳолати юз берган беморларнинг 1 тасида ҚД борлиги ва 3 тасида ҳам юрак систолик дисфункцияси мавжудлиги аниқланди. 2 ва 3 гуруҳ беморларида ўлим кўрсаткичи 2 ва 3 та ҳолатда кузатилди ва улардан 2 таси тўсатдан ўлим ҳисобига юз берди.

Узоқ кузатув натижалари таҳлилида иккиламчи охирги нукталарда такрорий госпитализация, рестеноз ривожланиши ва такрорий

реваскуляризация кўрсаткичлари баҳоланди (8-жадвал). Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, 36 ойдан сўнг 31 (10%) нафар беморда такрорий госпитализация ҳолатлари кузатилди. Бу кўрсаткичларни ЮИКни турли шаклларида таҳлил қилиш 1 гуруҳ беморларида 11 (15,7%) ҳолатда, 2 ва 3 гуруҳда 15 (31,2%) ва 5 (16,1%) тадан беморларда кузатилди. Такрорий госпитализация ҳолатлари таҳлили 1 гуруҳ беморларида 11 (15,7%) ҳолатда ҳамда 2 ва 3 гуруҳда 15 (31,2%) ва 5 (16,1%) тадан ҳолатда такрорий миокард инфаркти ҳисобига бўлгани аниқланди.

8 -жадвал

ЮИКнинг турли шакллари бор беморларда чап тож томир ўзагининг эндоваскуляр реваскуляризациясидан кейин иккиламчи охириги нуқталарнинг узоқ муддатли натижалари

Кўрсаткичлар	Умумий гуруҳ (n=149)	1 гуруҳ (n=70)	2 гуруҳ (n=48)	3 гуруҳ (n=31)
	36 ой	36 ой	36 ой	36 ой
Такрорий госпитализация	31 (10%)	11 (15,7%)	15 (31,2%)*	5 (16,1%)
Рестеноз	9 (6%)	2 (2,8%)	4 (8,4%)	3 (9,6%)
Такрорий реваскуляризация	4 (2,7%)	2 (2,8%)	2 (4,2%)	—

Узоқ муддатли кузатув натижаларида такрорий КАГ натижалари таҳлили 121 беморда ўтказилди ва такрорий реваскуляризацияга эҳтиёж 4 (2,7%) беморда аниқланди, улардан 2 (2,8%)таси 1 гуруҳ беморларида ва 2 (4,2%)таси 2 гуруҳ беморлари ташкил этди.

Иккала гуруҳнинг охириги нуқталари кўрсаткичларига кўра, такрорий госпитализация ва ўлим даражаси нуқтаи назаридан ҳам ишончли фарқлар аниқланмади. 3 йил (36 ой) дан сўнг 31 (10%) нафар беморда такрорий госпитализация ҳолатлари кузатилди, 7 (4,7%) нафар беморда такрорий нофатал миокард инфаркти, 4 (2%) беморда такрорий фатал миокард инфаркти ривожланди. 3 (1,3%) ҳолатда тўсатдан ўлим содир бўлди.

Диссертациянинг «**Чап тож томири ўзаги шикастланган ЮИК бор беморларда стентлаш амалиётидан кейинги салбий кечишининг мезонларини беморларнинг ёши, жинси ва қандли диабети борлигини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш**» деб номланган бешинчи бобида ЮИК нинг турли шакллари бор бўлган беморларда миокард реваскуляризациясидан кейинги узоқ муддатли натижаларни беморларнинг ёши, жинси ва қандли диабети борлигини ҳисобга олган ҳолда таҳлили келтирилган.

Узоқ муддатли ўлим ва асоратларнинг прогностик кўрсаткичларини таҳлил қилиш, бизнинг фикримизча, коронар артерияларнинг атеросклерозининг ривожланиши учун ёш, жинс, ҚД, тож томир зарарланиш сони, рестеноз, қайта реваскуляризация каби муҳим омиллар бўйича ўтказилди (9-жадв.).

9 -жадвал

ЮИКнинг турли шакллари бор беморларда чап коронар артерия ўзагининг эндоваскуляар ресвакуляризациясида узоқ муддатли асоратларнинг прогностик хавф омилларини унивариант ва мультивариант мантикий регрессион таҳлили

Предикторлар	Унивариант таҳлил (95% ИИ)	p	Мультивариант таҳлил ИИ (95% ИИ)	p
Ёш < 60	1,85 (1,6–5,3)	0,06	–	–
60-69	2,62 (1,1–6,2)	0,05*	–	–
>70	3,58 (1,2–6,8)	0,01*	3,5 (1,6–6,9)	0,05*
Жинс Эркак	3,46 (1,5–9,5)	0,05*	3,2 (1,1–4,6)	0,06
Аёл	2,57 (0,49–4,1)	0,07	–	–
Зарарланган томир сони 1 та	1,72 (0,9–6,4)	0,25	–	–
2 та	2,32 (1,4–4,8)	0,08	–	–
3 ва >	4,21 (1,2–7,2)	0,05*	4,2 (1,3–6,7)	0,01*
SYNTAX>22 б	4,63 (1,8–6,9)	0,03*	4,21 (1,7–6,9)	0,04*
Ўтказилган МИ	2,32 (2,4–9,1)	0,05	2,12 (1,8–5,4)	0,05
ҚД 2 тур	3,8 (1,4–7,5)	0,01*	4,8 (0,8–6,9)	0,01*





